

VI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ¹⁾

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра 2019 йилнинг январь-август ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 21907,6 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижга олинди.

2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирғанимизда, фойда ҳажми 48,4 % ни ташкил қилди.

2019 йилнинг январь-август ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млрд. сўм</i>	<i>2018 йилнинг январь-августига нисбатан, % да</i>
Жами	21907,6	148,4
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	659,5	8,0 м.
Ишлаб чиқарадиган саноат	20422,0	2,1 м.
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-255,9	-
Қурилиш	112,0	158,7
Савдо	1014,5	76,9
Ташиб ва сақлаш	-593,7	-
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	67,9	2,2 м.
Ахборот ва алоқа	641,7	72,5
Молиявий ва сугурта фаолияти	110,1	196,9
Кўчмас мулк билан операциялар	110,2	136,0
Профессионал, илмий ва техник фаолият	262,9	165,9
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар қўрсатиш	52,9	70,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар қўрсатиш	50,5	3,6 м.
Бошқалар	-747,0	-


¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишилоп ҳўжалик корхоналари, фермер ва дехқон ҳўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

2019 йилнинг январь-август ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “НКМК” ДК (5944,7 млрд. сўм), “Ўзавтосаноат” АЖ (2367,8 млрд. сўм), “ОКМК” АЖ(2053,0 млрд. сўм), “Ўзкимёсаноат” АЖ (399,7 млрд. сўм), “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК (274,2 млрд. сўм), “Ўздонмаксулот” АЖ (154,5 млрд. сўм), (136,5 млрд. сўм), “Ўзбекистон хаво йўллари” МАК (124,9 млрд. сўм) га тўғри келади.

2019 йилнинг январь-август ойларида фойданинг ўсиш суръати юқори бўлган вазирлик ва идоралар

	<i>Фойданинг ўсиши, млрд. сўм</i>	<i>2018 йилнинг январь-августига нисбатан % да</i>
“НКМК” ДК	5944,7	4,9 м.
“Ўзавтосаноат” АЖ	2367,8	6,6 м.
“ОКМК” АЖ	2053,0	2,2 м.
“Ўзкимёсаноат” АЖ	399,7	3,2 м.
“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК	274,2	162,9
“Ўздонмаксулот” АЖ	154,5	7,7 м.
Ўзбекистон электротехника саноати корхоналари уюшмаси	136,5	198,5
“Ўзбекистон хаво йўллари” МАК	124,9	124,4

Алоҳида хўжалик бошқарув органларида фойданинг ўсиши, (млрд. сўм)




Фойданинг пасайиши “Ўзбекнефтегаз” АЖ - 2599,6 млрд. сўмга, “Ўзбекэнерго”АЖ – 646,1 млрд. сўмга, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” АЖ – 301,6 млрд. сўмга, “НКМК” ДК - 260,5 млрд. сўмга, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ – 24,8 млрд. сўмга, Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси – 20,3 млрд. сўмга, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси – 14,3 млрд. сўмга, Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси – 9,6 млрд. сўмга кузатилган.

2019 йилнинг январь-август ойларида фойданинг пасайиши юқори бўлган вазирлик ва идоралар

	<i>Фойданинг пасайиши, млрд. сўм</i>	<i>2018 йилнинг январь-августига нисбатан %да</i>
“Ўзбекнефтегаз” АЖ	1152,8	70,6
“Ўзсаноатқурилишматериаллари” АЖ	517,6	44,5
“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ	204,5	-
Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	183,2	0,4
“Иссиқлик электр станциялари” АЖ	93,9	-
Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси	60,5	70,7
Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси	49,5	64,0
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	44,5	94,9

Алоҳида хўжалик бошқарув органларида фойданинг пасайиши, (млрд. сўм)



**2019 йилнинг январь-август ойларида худудлар кесимида
яқуний молиявий натижалари**

	<i>Фойда, зарар (-), млрд. сўм</i>	<i>2018 йилнинг январь-августига нисбатан % да</i>
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	21907,6	148,4
Қорақалпоғистон Республикаси	2812,0	90,3
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	2416,1	8,0 м.
Бухоро	248,4	4,4 м.
Жиззах	76,8	88,1
Қашқадарё	1107,6	160,0
Навоий	7906,9	3,9 м.
Наманган	173,2	92,6
Самарқанд	366,7	2,2 м.
Сурхондарё	148,2	107,6
Сирдарё	-136,8	-
Тошкент	4899,1	165,4
Фарғона	732,1	2,9 м.
Хоразм	85,3	101,4
Тошкент шаҳри	731,2	18,3


Худудлар кесимида фойданинг асосий қисми Навоий вилояти 7906,9 млрд. сўм (36,1 %) Тошкент вилояти – 4899,1 млрд. сўм (жами фойданинг 22,4 %), Қорақалпоғистон Республикаси – 2812,0 млрд. сўм (12,8 %), Андижон вилояти – 2416,1 млрд. сўм (11,0 %), Қашқадарё вилоитига – 1107,6 млрд. сўм (5,1 %) ва Фарғона вилояти – 732,1 (3,3 %) тўғри келади.

Зарарлар. 2019 йилнинг январь-август ойларида 223 та корхона ва ташкилотлар 4558,7 млрд. сўм зарарга йўл қўйди.

Зарарнинг асосий қисми “Ўзбекнефтегаз” АЖ – 2025,1 млрд. сўм (республика бўйича жами зарарнинг 44,4 %), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ – 252,4 млрд. сўм (5,5 %), “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ – 205,6 млрд. сўм (4,5 %), “Ўзавтосаноат” АЖ – 97,4 млрд. сўм (2,1 %) ва “Тошшахартрансхизмат” АЖ – 60,0 млрд. сўм (1,3 %) га тўғри келди.

¹⁾ Худудларга тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда.

**2019 йилнинг январь-августида зарар кўрган айрим вазирлик ва хўжалик бошқарув органларининг молиявий натижалари
(жамига нисбатан % да)**




2019 йилнинг январь-августида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

Корхоналар сони	Зарар суммаси	
	млн. сўм	жамига нисбатан % да
Жами	223	4558737,0
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	1	1076,5
Ишлаб чиқарадиган саноат	37	505412,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	27	672964,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	3	15119,1
Қурилиш	11	7059,0
Савдо	59	228163,9
Ташиш ва сақлаш	34	2088185,2

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар сүммаси</i>	
		<i>млн. сўм</i>	<i>жамига нисбатан % да</i>
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	13	23630,3	0,5
Ахборот ва алоқа	8	29240,2	0,6
Профессионал, илмий ва техник фаолият	2	4165,5	0,1
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	5	2297,9	0,1
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	7	41907,2	0,9
Бошқалар	16	939515,3	20,6

**2019 йилнинг январь-августида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари
(жамига нисбатан % да)**



Зарарларнинг асосий қисми қуйидаги тармоқларга тўғри келди: ташиш ва сақлаш – 2088,2 млрд. сўм (жами зарарнинг 45,8 %), электр, газ, буф билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 673,0 млрд. сўм (14,8 %), ишлаб чиқарадиган саноат – 505,4 млрд. сўм (11,1 %), савдо – 228,2 млрд. сўм (5,0 %).

2019 йилнинг январь-августида худудлар кесимида заар қўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар қўрган корхоналарнинг улуши, % да</i>	<i>Зарар суммаси, млн. сўм</i>
Ўзбекистон Республикаси	223	11,1	4558737,0
Қорақалпоғистон Республикаси	5	7,0	9409,4

вилоятлар:

Андижон	15	13,9	104124,4
Бухоро	7	5,9	18030,4
Жиззах	5	11,6	3367,4
Қашқадарё	8	5,5	109264,5
Навоий	2	3,4	15354,2
Наманган	4	3,8	3502,2
Самарқанд	12	10,1	30602,5
Сурхондарё	5	4,8	39786,6
Сирдарё	8	19,0	160079,4
Тошкент	29	12,2	147380,5
Фарғона	8	6,3	35209,7
Хоразм	5	6,1	18465,4
Тошкент ш.	110	17,1	3864160,5

Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати¹⁾

2019 йил 1 сентябрь ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 110491,6 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган – 1341,9 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 1,2 %.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2018 йилнинг 1 сентябрга нисбатан солиштирганимизда 42,6 фоизга кўпайган, жами дебитор қарздорлиқдаги улуши 1,2 ўзгаришсиз қолди.


2019 йил 1 сентябрь ҳолатига худудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги

	<i>Дебитор қарздорлик</i>	<i>шундан муддати ўтгани</i>	<i>Муддати ўтган қарздорлик улуши, %да</i>
Ўзбекистон Республикаси	110491,6	1341,9	1,2
Қорақалпоғистон Республикаси	1672,4	8,6	0,5
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	3847,9	17,9	0,5
Бухоро	1874,7	2,9	0,2
Жizzах	825,6	1,9	0,2
Қашқадарё	30753,6	8,3	0,0
Навоий	2550,9	51,2	2,0
Наманган	772,6	4,1	0,5
Самарқанд	1723,6	35,1	2,0
Сурхондарё	1167,9	2,6	0,2
Сирдарё	2289,8	9,4	0,4
Тошкент	7737,3	210,7	2,7
Фарғона	2034,2	12,7	0,6
Хоразм	610,9	8,4	1,4
Тошкент шаҳри	48383,1	968,2	2,0

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишилаб чиқарувчи қишилоқ хўжалик корхоналари, фермер ва дехқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

Худудлар кесимида дебитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 48383,1 млрд. сўм, Қашқадарё вилояти – 30753,6 млрд. сўм, Тошкент вилояти – 7737,3 млрд. сўм, Андикон вилояти – 3847,9 млрд. сўм ва Навоий вилоятига – 2550,9 млрд. сўм тўғри келади.

**2019 йил 1 сентябрь ҳолатига ҳудудлар кесимида
корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги (млрд. сўм)**



2019 йил 1 сентябрь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 113668,7 млрд. сўм, ундан муддати ўтган – 2116,2 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 1,9 % ини ташкил этди.


**2019 йил 1 сентябрь ҳолатига ҳудудлар кесимида
корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги**

	<i>Кредитор қарздорлик</i>	<i>шундан муддати ўтгани</i>	<i>Муддати ўтган қарздорлик улуши, %да</i>
Ўзбекистон Республикаси	113668,7	2116,2	1,9
Қорақалпоғистон Республикаси	3177,8	4,2	0,1
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	8566,0	13,3	0,2
Бухоро	5567,1	0,0	0,0

	<i>Кредитор қарздорлик</i>	<i>шундан муддати үтгани</i>	<i>Муддати үтган қарздорлик улуши, %да</i>
Жиззах	900,8	4,5	0,5
Қашқадарё	14532,6	12,4	0,1
Навоий	3238,4	37,7	1,2
Наманган	1304,2	4,4	0,3
Самарқанд	2976,9	28,6	1,0
Сурхондарё	1798,8	2,5	0,1
Сирдарё	1897,4	4,2	0,2
Тошкент	8048,0	218,6	2,7
Фарғона	2718,8	35,8	1,3
Хоразм	1010,1	1,5	0,1
Тошкент шаҳри	56781,3	1748,6	3,1

Худудлар кесимида кредитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 56781,3 млрд. сўм, Қашқадарё вилояти – 14532,6 млрд. сўм, Андижон вилояти – 8566,0 млрд. сўм, Тошкент вилояти – 8048,0 млрд. сўм ва Бухоро вилоятига – 5567,1 млрд. сўм тўғри келади.

2019 йил 1 сентябрь ҳолатига худудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги (млрд. сўм)



**2019 йил 1 сентябрь ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг
муддати ўтган дебитор қарздорлиги ҳолати**

	Жами, млрд. сўм	шундан:		
		Харидор ва буюрт- мачилар	Етказиб берувчилар ва пудратчи- ларга берилган аванслар	Ички идоравий қарз
Ўзбекистон Республикаси	1341,9	509,8	48,0	720,2
Қорақалпоғистон Республикаси	8,6	0,1	1,1	-
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	17,9	4,2	0,9	0,1
Бухоро	2,9	-	-	-
Жиззах	1,9	1,7	0,1	-
Қашқадарё	8,3	6,4	0,7	-
Навоий	51,2	49,8	0,8	-
Наманган	4,1	3,5	0,3	-
Самарқанд	35,1	3,0	21,3	10,2
Сурхондарё	2,6	2,6	-	-
Сирдарё	9,4	4,6	4,7	0,1
Тошкент	210,7	167,3	2,2	23,9
Фарғона	12,7	12,3	0,3	0,0
Хоразм	8,4	4,3	4,0	-
Тошкент шаҳри	968,2	249,9	11,4	685,9

Худудлар кесимида муддати ўтган дебитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 968,2 млрд. сўм, Тошкент вилояти – 210,7 млрд. сўм, Навоий вилояти – 51,2 млрд. сўм, Самарқанд вилояти – 35,1 млрд. сўм ва Андижон вилоатига – 17,9 млрд. сўмни ташкил этган.

**2019 йил 1 сентябрь ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг
муддати ўтган кредитор қарздорлиги ҳолати**

	Жами, млрд. сўм	шундан:			
		Етказиб берувчилар ва пурлат- чиларга	Бюджетга тўловлар бўйича қарз	Давлат мақсадли жамгарма- ларига тў- ловлар бўйича қарз	Ичи идоравий қарз
Ўзбекистон Республикаси	2116,2	1242,0	8,4	8,5	688,5
Қорақалпогистон Республикаси	4,2	2,3	-	-	-
вилоятлар:					
Андижон	13,3	7,8	0,4	1,1	0,0
Бухоро	0,0	-	-	-	-
Жиззах	4,5	4,4	-	-	-
Қашқадарё	12,4	9,3	0,2	0,9	-
Навоий	37,7	37,6	-	-	-
Наманган	4,4	4,3	-	-	-
Самарқанд	28,6	26,9	0,8	-	-
Сурхондарё	2,5	2,5	-	-	-
Сирдарё	4,2	4,2	-	-	-
Тошкент	218,6	197,7	0,1	4,4	2,4
Фарғона	35,8	34,0	0,9	0,1	-
Хоразм	1,5	1,4	-	-	-
Тошкент шаҳри	1748,6	909,7	6,0	1,9	686,2


Ҳудудлар кесимида муддати ўтган кредитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 82,6 %, Тошкент вилояти – 10,3 %, Навоий вилояти – 1,8 %, Фарғона вилояти – 1,7 % ва Самарқанд вилояти – 1,4 % ни ташкил этди.

**2019 йил 1 сентябрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича
муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби**

	Жами, млрд. сўм	ундан:			Муддати ўтган қарздор- ликнинг улуши, %да
		Харидор ва буюртма- чилар	Етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилиган аванслар	Ички идора вий	
Жами	1341,9	509,8	48,0	720,2	1,2
Ишлаб чиқарадиган саноат	245,2	180,2	14,6	0,9	1,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	853,4	149,4	17,8	686,0	5,3
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	143,6	113,9	-	28,6	26,5
Қурилиш	10,1	9,5	0,1	0,5	0,5
Савдо	22,7	12,7	3,5	-	0,2
Ташиб ва сақлаш	20,0	13,2	0,8	2,4	0,2
Кўчмас мулк билан операциялар	2,0	0,1	0,2	1,7	3,9
Профессионал, илмий ва техник фаолият	22,4	8,5	11,0	0,2	0,3
Бошқалар	22,5	22,3	0,0	-	0,1


Иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик энг кўп электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда – 63,6 %, ишлаб чиқарадиган саноатда – 18,3 %, сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда – 10,7 % ни ташкил этди.

**2019 йил 1 сентябрь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг
дебитор қарздорлиги (жамига нисбатан % да)**



Энг кўп дебитор қарздорлик “Ўзбекнефтегаз” АЖ корхоналари – 60425,3 млрд. сўм (республика бўйича жами қарздорлиқдан 54,7 %), “Ўзавтосаноат” АЖ – 4502,3 млрд. сўм (4,1%), “Ўзпахтасаноат” АЖ – 4084,9 млрд. сўм (3,7 %), “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК – 3919,3 млрд. сўм (3,5 %), “Худудий электр тармоқлари” АЖ – 2702,3 млрд. сўм (2,4 %) ва “Иссиқлик электр станциялари” АЖ – 2286,0 млрд. сўм (2,1 %) кузатилмоқда.

**2019 йил 1 сентябрь ҳолатига алоҳида хўжалик бошқарув органларининг
кредитор қарздорлиги (жамига нисбатан % да)**



Энг кўп кредитор қарздорлик “Ўзбекнефтегаз” АЖ – 48169,4 млрд. сўм (республика бўйича жами кредитор қарздорлиқдан 42,4 %), “Ўзавтосаноат” АК – 8778,2 млрд. сўм (7,7 %), “Худудий электр тармоқлари” АЖ – 5004,0 млрд. сўм (4,4 %) “Ўзпахтасаноат” АЖ – 3418,6 млрд. сўм (3,0 %), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ – 2387,7 млрд. сўм (2,1 %) ни ташкил этди.


**2019 йил 1 сентябрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича
муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби**

	Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда ти ўтган қарз- дорлик- нинг улуши, %да
		<i>Етказиб берувчи лар ва пудрат чиларга</i>	<i>Бюд жетга тўлов- лар</i>	<i>Давлат мақсадли фонд- ларига тўловлар</i>	<i>Ички идора- вий</i>	
Жами	2116,2	1242,0	8,4	8,5	688,5	1,9
Ишлаб чиқарадиган саноат	252,8	136,0	-	-	0,1	0,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1663,5	966,3	1,2	5,9	685,8	13,3
Курилиш	1,2	0,1	0,9	0,1	-	0,0
Савдо	116,6	114,1	-	-	-	1,1
Кўчмас мулк билан операциялар	4,8	2,4	0,0	0,0	2,3	3,8
Профессионал, илмий ва техник фаолият	58,0	17,0	6,0	1,9	-	0,5
Бошқалар	19,3	6,1	0,3	0,6	0,3	0,0

2019 йил 1 сентябрь ҳолатига жами кредитор қарздорлик 113668,7 млрд. сўм бўлиб, унинг дебитор қарздорлиқдан ошиши 3177,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

**Алоҳида хўжалик бошқарув органларининг
дебитор ва кредитор қарздорлиги**

(млрд. сўм)



■ Дебитор қарздорлик □ Кредитор қарздорлик

Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторлик қарздорликка нисбатан қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

	<i>Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>дебиторга нисбатан %да</i>
“Ўзавтосаноат” АҚ	4275,9	95,0
“Худудий элект тармоқлари” АЖ	2301,7	85,2
Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси	1571,1	170 м.
Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси	1042,4	84,9
“Навоий кон-металлургия комбинати” ДК	717,0	51,2
“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” ДК	569,5	55,7
“Ўздонмаҳсулот” АЖ	459,7	92,8
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	420,0	32,5
Уй жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	308,7	72,2
“Ўзкимёсаноат” АЖ	269,0	26,7

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши “Ўзавтосаноат” АЖ – 4275,9 млрд. сўмга (95,0%), “Худудий элект тармоқлари” АЖ – 2301,7млрд. сўмга (85,2%), Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси – 1571,1млрд. сўмга (170 м.%), Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси – 1042,4млрд.сўм (84,9%), “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК - 717,0 млрд. сўм (51,2 %), “Ўздонмаҳсулот” – 459,7 млрд.сўм (92,8 %), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ – 420,0 млрд. сўмга (32,5 %), Уй жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 308,7 млрд. сўмга (72,2 %), “Ўзкимёсаноат” АЖ – 269,0 млрд.сўм (26,7 %),сўмга кузатилди.

Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Даромад (фойда) солиги тўлагунга қадар фойда (зарар) – корхона ва ташкилотларнинг барча хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирадиган якуний молиявий натижа. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари), асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолиятнинг даромадлари ва фавқулотда фойда йиғиндисидан давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулотда харажатлар чегириб ташланадиган фойданинг умумий фойдасини (зарарини) ифодалайди.

Дебиторлик қарзлар – харидорлар ва буюртмачилар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари, ходимларга, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йиғимлар ва суғурта бўйича бўнак тўловлари, муассисларнинг устав фондидағи улушлари бўйича қарзи, ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ва бошқа дебиторлик қарзларини ўз ичига олади.

Кредиторлик қарзлар – етказиб берувчилар ва пудратчилар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечикирилган мажбуриятлар, олинган аванслар, бюджетга тўловлар бўйича қарз, суғурта бўйича қарз, давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз, таъсисчиларга қарзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар ва бошқа кредиторлик қарзларини ўз ичига олади.

Маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) – тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар қўшимча қиймат солиги ва акциз солиғини қўшган ҳолда.

Муддати ўтган қарзлар – қонун хужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси.

Актив – маълум бир санадаги ташкилот активлари таркиби ва қийматини акс эттирувчи бухгалтерия баланси (чат томон).

Пассив – корхона маблағлари (мажбуриятлари ва капитали) шаклланишининг барча манбалари йиғиндисининг (ўнг томони) қарама-қарши қисми.